

# Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг иккинчи босқичи давом этмоқда

// 10 fevral 2026 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/aholi-va-qishloq-huzhaligini-ruyhatga-olish-tadbirining-ikki>



Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 19-сентябрдаги ПФ-173-сон Фармони ижроси доирасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг иккинчи босқичи давом этмоқда.



Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманига бириктирилган “Ўзкимёсаноат” АЖ вакиллари иштирокида аҳолини рўйхатга олиш жараёни бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларидаги еттилик фаолияти ўрганилди. Ўрганиш жараёнида маҳалла еттиликларига тегишли тушунтиришлар ва амалий кўрсатмалар берилди.



Жумладан, “Завқий” ва “Хожамахмуд” маҳалла фуқаролар йиғинларига ташриф буюрилди ва аҳолини хатловдан ўтказиш жараёнида юзага келётган масалалар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилди.

